

Манзили “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси,  
Тошкент ш., Шахрисабз қўчаси, 3

2020 йил 29 июль  
иш вақти 11.00-16.00

Банк Кенгаши томонидан 2020 йил 08 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш ўтказиш тартиби, Ўзбекистон республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган акциядорлик жамиятларида акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашлари мажлисларини масофадан туриб ўтказиш тартиби”га асосан амалга оширилди.

2020 йил 09 июль ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали ҳамда банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2020 йил 23 июль деб белгиланди.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2020 йил 23 июль ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акциялар эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2020 йил 23 июль ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4 634 513 904 398 (*тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беш юз ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 627 483 904 398 (*тўрт триллион олти юз йигирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз элик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиш миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўпланганлиги*), йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида шакилланган ҳисобот бўйича, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2020 йил 23 июль ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 801 (*беш минг саккиз юз бир*)та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Ушбу электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 231.559.768.340 (*икки юз ўттиз бир миллиард беш юз эллик тўққиз миллион етти юз олтмиш саккиз минг уч юз қирқ*) дона ёки 94,93 фоизига эгаллик қилувчи 5 (*беш*) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум бўлди.

*Саноқ комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумотномаси матни илова қилинади.*

Акциядорларнинг масофавий умумий йиғилишининг Ишчи органлари белгиланган тартибда OneID Ягона идентификация тизими орқали идентификацияланди, йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилди ва қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш котибияти: А.Визер.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Ж.Матназаров, Х. Умаров.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
3. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаларига кўра, 2019-2020 корпоратив йил яқунларига кўра Кенгаш аъзоларига мукофотнинг қолган қисмини тўлаш даражасини белгилаш.
5. Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир Кенгаш аъзосига корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
6. 2020 йил 9 июнда бўлиб ўтган Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида сайланган Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатларини узайтириш.
7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
8. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга тузиш / узайтириш.

9. 2020 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.

10. “Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом”га киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

11. “Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш.

12. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Тартиби”ни тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилиши билан боғлиқ барча материаллар, маърузалар, ҳисоботлар, овоз бериш бюллетенлари йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида (*электрон овоз бериш хизмати [http://evote.uz/.](http://evote.uz/)*) жойлаштирилганлигини инобатга олиб, умумий йиғилишни масофавий ўтказиш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

- Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтишлари 10:00 - 11:00
- Йиғилиш материаллари, маърузалар, ҳисоботлар билан танишиб чиқиш, изоҳлар қолдириш, кун тартибидаги масалалар бўйича электрон овоз бериш 11:00 - 16:00

Кун тартибидаги биринчи масала – “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш” масаласи юзасидан Банк Бошқаруви Раиси – С.Аннакличев ҳисоботи ва йиғилиш иштирокчиларига Банк жамоаси томонидан 2019 йилда эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида банкни трансформация жараёни доирасида режалаштирилган ишлар ва истиқболда эришиш учун белгиланган кўрсаткичлари бўйича видеолавҳани кўриш [http://evote.uz/.](http://evote.uz/) электрон платформасида имконияти берилган. (1-илова)

Кун тартибидаги иккинчи масала – Банк Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан танишиб чиқиш учун [http://evote.uz/.](http://evote.uz/) электрон платформасида жойлаштирилган. (2-илова)

Кун тартибидаги учинчи масала – “Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи бўйича Банк Бошқаруви Раиси – С.Аннакличевнинг 2019 йил фаолияти давомида банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботи [http://evote.uz/.](http://evote.uz/) электрон платформасида жойлаштирилган. (3-илова)

Кун тартибидаги тўртинчи масала, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш учун ваколатли баҳолаш ташкилоти томонидан текширувдан ўтказилиши белгиланган.

Ушбу белгиланган талабларни бажариш мақсадида 2019 йил “PREMIUM FINANCE” МЧЖ (мустақил ташкилот) томонидан баҳолашдан ўтказилди ва Банкнинг

корпоратив бошқарув тизими фаолияти 1020 балл баҳоланиб, “Юқори” деб топилди. (5-илова)

Шунингдек, Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини инобатга олиб “Банк Кенгаши тўғрисидаги” Низомга асосан, 2019-2020 корпоратив йил якунларига кўра Кенгаш аъзоларига мукофотнинг қолган қисмининг 40 % тўлаб берилиши белгиланган.

Кун тартибидаги бешинчи масала, Банкнинг 2019 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш Банк Кенгашининг 2020 йил 08 июлдаги йиғилиш баённомаси билан дастлабки тарзда кўриб чиқилган ва Банк Кенгаши таркибига сайланадиган ҳар бир мустақил аъзога йиллик мукофотнинг энг юқори миқдори 35 000 (ўттиз беш минг) АҚШ доллар ва жами компенсация харажатлари (давлатлараро транспорт ва меҳмонхона) ушбу мукофотнинг 50 (эллик) фоиздан ошмаган миқдорида тўлаш бўйича тавсия берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 апрел 2019 йилдаги 356-сонли Қарорида давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби ва миқдори белгилаб ўтилган. (6-илова)

Кун тартибидаги олтинчи масала, бўйича Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун йирик акциядорлар томонидан таклиф қилиб берилган ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари билан келишилган номзодлар 2020 йил 9 июнда бўлиб ўтган Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланганлигини инобатга олиб, Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатларини узайтириш юзасидан қуйидаги номзодлар тавсия этилган:

**1. Воитов Азиз Ботирович,** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташқи савдо вазирлиги, вазирнинг биринчи ўринбосари.

**2. Абдиназаров Бобур Каландарович,** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

**3. Султанов Дилшод Шухратович,** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари.

**4. Мухтаров Улуғбек Хакимович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директор ўринбосари.

**5. Мустафоев Хуршид Бахтиярович,** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори.

**6. Юлия Александровна Айзуп,** ПАО “Сбербанк” Раис маслаҳатчиси.

**7. Александр фон Гляйх,** «СД Строительной Группы Глобал» директорлар кенгаши аъзоси, Акциядорларнинг маслаҳатчиси.

**8. Туинстра Фердинанд Виллем,** “Almacena BV startup fintech” Экспертлар кенгаши аъзоси.(Голландия), “UAB Travel Union” Кузатув кенгаши аъзоси - Startup fintech (Литва).

**9. Якубов Мурат Акбарович,** Ҳалқаро аудит ва консалтинг компанияси "Grand Thornton Uzbekistan" ҳамкори.

Кун тартибидаги еттинчи масала, бўйича Банк Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун йирик ва миңаритар акциядорлар томонидан қуйидаги номзодлар таклиф қилиб берилган:

**1. Туляганов Фаррух Абдурасулович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.

**2. Хабибуллаев Сардор Алишерович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.

**3. Мавлюдов Элдар Хайратдинович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассис.

**4. Ортиқов Худойберган Азимбойевич,** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи.

**5. Ганиходжаев Борихон Фатхуллаевич,** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи.

Кун тартибидаги саккизинчи масала, бўйича Банк Кенгашининг Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йил муддатга узайтириш бўйича дастлабки ҳулосасида, Банкнинг бир маромда фаолият юритганлиги, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес режада ўрнатилган барча молиявий кўрсаткичлар бажарилганлигини, меҳнат жамоаси томонидан ҳисобот йили давомида 704 526,1 млн. сўм соф фойда олишга эришилганини, Банк Бошқаруви томонидан трансформация жараёнларини фаол ва шиддат билан олиб борганини ва ушбу йўналишда салмоқли ютуқларга эришилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ҳисобот йилида Банк рейтингини нуфузли "Standard&Poor's" халқаро рейтинг агентлиги "BB-" ва "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "BB-" даражада тасдиқланган.

Шу билан бирга, банкнинг 2019 йилдаги фаолияти яқунлари "Ahbor-Reyting" миллий рейтинг компанияси томонидан ҳам миллий шкала бўйича "Барқарор" прогнози билан "uzA+" даражаси рейтинги билан яна бир бор эътироф этилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Банк Бошқарув аъзолари – Бошқарув Раиси Сахи Сапармухамедович Аннакличев, Бошқарув Расининг биринчи ўринбосари Азиз Акбаржон ўғли Акбаржонов, Бошқарув Раиси ўринбосарлари Анваржон Абдумажитович Эргашев, Яшин Мамаражабович Абдуроззоков, Зафар Абдумажитович Азимов, Улуғбек Уктамович Таваккалов, Юридик департаменти директори Бахриддин Нуритдинович Норхужаев, Бухгалтерия ва молиявий менеджмент департаменти директори – Бош бухгалтер Ойбек Розикович Вохидов билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш тавсия этилган.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала, бўйича "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий

йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкый манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Мазкур талабларни инобатга олган ҳолда, 2020 йил биринчи ярим йиллиги ва 2020 йил якунлари бўйича банкнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботларини Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда 2020 йил 30 июндан 10 июлга қадар бўлган муддатда танлов ўтказилган.

Танловда иштирок этиш учун “KPMG audit” МЧЖ томонидан 1,8 млрд сўм (ҚҚС сиз, ҚҚС билан ҳисобланганда ушбу сумма 203 245.00 АҚШ долларига тенг) ва “Deloitte & Touche” МЧЖ ташкилотлари томонидан 202 минг АҚШ доллари (ҚҚС билан) миқдоридаги танлов талабларига мос келадиган тижорат таклифлари келиб тушган. Банкнинг йирик харид комиссияси томонидан 2020 йил 15 июлдаги қарорига кўра “Deloitte & Touche” МЧЖ томонидан берилган 202 минг АҚШ доллари (ҚҚС билан) миқдоридаги таклиф нарх ва сифат жиҳатдан мақбул деб топилган. (7-илова)

Кун тартибидаги ўнинчи, ўн биринчи, ўн ккинчи масалалар, яъни “Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, “Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги Низом” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Тартиби” дастлаб Банк Кенгаши томонидан маъқулланган ва тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этилган. (8-илова)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, банк кредит портфелини янада диверсификациялаш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни реал сектори бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш, банк молиявий хизматлар турини янада купайтириш ва сифатини ошириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, инвестицияларни жалб қилиш, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

## **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин;

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.390.182.430 та овоз

“ёқлайман” - 231.390.182.430 та овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман” - йўқ.

**2.** Банк Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.550.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.550.853 та овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**3.** Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.550.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.550.853 та овоз, “қаршиман” - йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**4.** Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.328.852 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”-82.001 та.

**4.1.** Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “юқори” даражада бўлганини инобатга олиб, 2019 йил 26 июлдаги навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишида сайланган ва 2019-2020 йилда ишлаган банк Кенгаши аъзоларига мукофотнинг қолган 40 фоиз миқдорида тўлаб берилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.550.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.468.852 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”-82.001 та.

**5.** Банк Кенгаши таклиф этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин.

Тақсимланиши лозим бўлган 704 526,1 млн. сўм фойда қуйидагиларга йўналтирилсин:

- Банкнинг умумий захира фондига - 211.360,00 млн. сўм;
- Стандарт кредитлар бўйича захира- 138.364,08 млн. сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга - 1.616,9 млн. сўм;
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга - 353.150,08 млн. сўм;
- Тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлашга - 34,9 млн. сўм;
- Тақсимланмаган фойдадан қолаётган қолдиқ маблағ – 0,00 сўм.

Овоз берилди: 231.387.550.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”-140.000 та.

**5.1.** Банк акциялари бўйича 2019 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуйидаги миқдорда дивидендлар тўлансин:

- Имтиёзли акциялар бўйича йиллик 23% ҳисобидан 1 616 900 минг.сўм миқдорида;
- Оддий акциялар бўйича йиллик 7,6% ҳисобидан 353 150 087 минг.сўм миқдорида.

*Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисоб варақларига пул ўтказиш орқали белгиланган тартибда банк акциядорлари умумий йиғилиши қарори тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин қарор қабул қилинган кундан эътиборан 6 кундан кеч бўлмаган мудадда, яъни 7 августдан 26 сентябргача амалга оширилсин.*

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**5.2.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ҳар бир Кенгаш аъзосига йиллик мукофотнинг максимал (предел) миқдори 35 000 (ўттиз беш минг) АҚШ доллар ва жами компенсация харажатлари (давлатлараро транспорт, автотранспорт ва меҳмонхона) ушбу мукофотнинг 50 (эллик) фоиздан ошмаган миқдорида белгилансин.

Давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш қонунчилиқда белгиланган тартибда ва миқдорида тўлаш.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**6.** 2020 йил 9 июнда бўлиб ўтган Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида сайланган Банк Кенгаши аъзоларининг ваколатлари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**7.** Оддий овоз бериш натижаларига кура, Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар 1 (бир) йил муддатга сайлансин:

**1. Туляганов Фаррух Абдурасулович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.

**2. Хабибуллаев Сардор Алишерович,** Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.



**3. Мавлюдов Элдар Хайратдинович**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассис.

**4. Ортиқов Худойберган Азимбойевич**, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи.

**5. Ганиходжаев Борихон Фатхуллаевич**, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.328.852 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”-82.001 та.

**8.** Банк Бошқарув аъзолари – Бошқарув Раиси Сахи Сапармухамедович Аннакличев, Бошқарув Расининг биринчи ўринбосари Азиз Акбаржон ўғли Акбаржонов, Бошқарув Раиси ўринбосарлари Анваржон Абдумажитович Эргашев, Яшин Мамаражабович Абдуроззоков, Зафар Абдумажитович Азимов, Улуғбек Уктамович Таваккалов, Юридик департаменти директори Бахриддин Нуритдинович Норхужаев, Бухгалтерия ва молиявий менеджмент департаменти директори – Бош бухгалтер Ойбек Розикович Вохидов билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**9.** 2020 молия йили бўйича Банкда аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Deloitte & Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин, унга тўланадиган энг кўп ҳақ миллий валютанинг эквиваленти 202 000.00 АКШ доллари миқдоридан белгилансин ва у билан шартнома тузилсин.

“KPMG audit” МЧЖни аудиторлик хизматларини кўрсатиш захира ижрочи сифатида белгилансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.328.852 та овоз, “қаршиман”- 82.001 та, “бетарафман”- йўқ

**10.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Кенгаш тўғрисидаги Низом”га киритиладиган қўшимчалар матни тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**11.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги Низоми” тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**12.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Тартиби” тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.387.410.853 та овоз

“ёқлайман” - 231.387.410.853 та овоз, “қаршиман”-йўқ, “бетарафман”- йўқ.

**Корпоратив маслахатчи**

**Корпоратив бошқарув  
хизмати бошлиғи ўринбосари**



**К.Алимов**

**Х.Сагтаров**